

06 август 2022

**“Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖ  
нинг барча акциядорларига**

**“INDORAMA KOKAND FERTILIZERS AND CHEMICALS” АЖ акциядорларининг  
навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида  
ХАБАРНОМА**

“Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖ кузатув кенгашининг 29 июль 2022 йилдаги мажлиси қарорига асосан жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар беради.

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиладиган сана:  
**2022 йил 30 август соат 10<sup>00</sup>**
  2. Йиғилиш ўтказиладиган жой: Қўқон шаҳар Давронбек кўчаси 87-уй,  
“Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖ биноси.
  3. Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш  
учун акциядорлар реестрини шакллантириш санаси: **06 август 2022 йил.**
  4. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этувчи жамият  
акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси: **25 август 2022 йил.**
- Акциядорларни рўйхатга олиш 30 август куни соат **09<sup>00</sup> да** бошланади ва **10<sup>00</sup> да** якунланади.

**Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш  
кун тартибига киритилган масалалар:**

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
2. Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ойлик иш ҳақи миқдорини белгилаш;
3. “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги  
Низомини тасдиқлаш;
4. “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” акциядорлик жамиятининг ички  
хужжатларини янги таҳрирда тасдиқлаш:
  - “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низом
  - “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом
  - “Ижро органи тўғрисида”ги Низом

**Эслатма.**

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, агар акциядорлар жамиятнинг янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда қарши овоз берса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган тақдирда, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисмини жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

Акцияларни қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблар акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этилиши керак.

Агар кимдир ўз улушини сотиб олишни талаб қилса, акцияларни сотиб олиш акцияларни бозор баҳосини наиклаш натижаларига кўра амалга оширилади.

Акциядорлар умумий йиғилишга ўз шахсини тасдиқловчи хужжат билан, акциядорларнинг вакиллари ишончномалар билан иштирок этишлари шарт.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан маълумотларни “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖ да танишишлари мумкин.  
Мурожаат учун тел: 99894 550-01-21

**Манзил:** Қўқон шаҳар Давронбек кўчаси 87-уй,  
**e-mail:** [ikf@uz.indorama.com](mailto:ikf@uz.indorama.com), [www.indoramakokandfertilizers.com](http://www.indoramakokandfertilizers.com)

**Бош директор**

**Rahul Singh**